

# QILA DAVRASIDA

Mustahkam oila - yurt tayanchi

№ 51  
(449)  
2020-yil  
24-dekabr  
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



## ИНСОНИЙЛИК ҚЎРҒОНИ

қачон бўш қолади?

2-бет

# ФИРИЙ ДОМИГА

**Камбағалликни қисқартириш вазирлиги:**  
- Қани, бу агрофда камбағаллар кўринмаяпти-ку...

**БАНКЛАР:**  
- Марҳамат, бизнес-режангизни қўллаб-қувватлаймиз. Биз билан ишламоқчи бўлган тадбиркорлар борми, қани?..

**ТУЯҚУШ БОҚИБ БОЙ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙ-СИЗМИ?**

**ХОҲЛАСАНГИЗ КДРЕДИТ, ХОҲЛАСАНГИЗ АТОМОБИЛЬ ОЛИБ БЕРАМАН**

**КОРЕЯГА ИШГА ЖОЙЛАШТИРАМАН**

**«STRAUS HOUSE» МЧЖ**

# ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН ТУШАЁТГАНЛАР

3-бет

«Оила даврасида» газетасига

# 2021 ОБУНА бошланди

«Оила даврасида» – энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!



«Оила даврасида» бу – ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан пиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!



**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

Батафсил маълумот:

**+99897 731-87-01**

Обуна индекси –

# 193

## Фарзанд келажagini КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

7-бет

## Ҳуқуқини билган ЎҚУВЧИЛАР

7-бет

Бугунги Навоий вилояти: **САНОАТДАН – ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГАЧА**

6-бет

# ИНСОНИЙЛИК ҚЎРҒОНИ

## У нимадан барбод ё бунёд бўлади?

«Вақти-вақти билан инсон бошига ҳар хил синовлар тушиб туради. Бундай кезлар йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган пайт дейишади. Ниманидир йўқотиш, нимадандир воз кечиш зарурати туғилганда кўзни чирт юмиб қурбон қиладиган нарсанинг борлиги ҳам яхши албатта. Лекин у нима бўлиши керак?»

Айримлар ўғрилиқ, талончилик, зўравонликка қўл ураётгани ҳақидаги хабарлар яшин тезлигида тарқалапти. Катта бозорда ука ҳатто ўз акасини пичоқлагани ҳам қулоққа чалинапти. Бир ота-онадан туғилган, бир-бирини суяб-суяниб катта бўлган оға-инилар орасидаги бундай мудҳиш ҳолат ҳар қандай одамни сескантиради. Қондошликнинг тамал риштасини пичоқ билан кесган кимса нима йўқотди-ю, бунинг эвазига нима топди?..

Баъзилар ўз фарзандини пуллаётгани катта мажлисда муҳокама қилинибди. Негадир кейинги пайтларда бу каби жиноятлар кўпроқ кузатилаётгани ҳам жиддий ташвишга солмоқда. Ўз жигаргўшасини пуллашда фарзандсизлик, бир оилани сақлаб қолиш каби вазиятнинг кўрсатилиши қанчалик ақлга мувофиқ келиши ҳаммага кундай равшан бўлса керак. Бир оилага мурувват кўрсатиб яхшилик қилишни истаган одам ўзининг самимий ва холис ёрдами эвазига отнинг калласидан кам нарх белгиламаслиги ҳам ҳаммага маълум. Фарзанднинг бармоғига зирапча кирса, шунга дош беролмай, жони оғрийдиган она қандай қилиб дилбандидан воз кечиб кетяпти? Шу йўл билан топган жарақ-жарақ пуллари ҳаётидаги кемтикни қанчалик тўлдир оляпти? Бундай ота-оналар боласини сотиб, энди бахтли, тўкис яшаётганмикан?..

Э, йўк. Бировни зор қақшатиб барака топгани ким кўрибди, дейсиз. Айниқса, ҳали мурғак холда бўлган норасиданинг уволи тутмаслигига ким кафолат беради? Фарзанднинг ўзи бахт бўлсаю, ундан воз кечганлар бахтли бўла олармиди?

Олдингилар дунёни «ўтар дунё» деб сифатлашган экан. Ҳамма бу ерда меҳмон. Бир муддат яшайди. Кейин ҳамма ҳам ўтади-кетди, қабилада фикрлашган. Ҳозир эса, мезонлар чаппа айланиб, ўтар дунёнинг ўрнига «сотар дунё» бўлиб қолаётгандай. Йўкса, одам сиёғидаги баъзи кимсалар ака-укасини ўлдириб манфаат топишни, ўз фарзандини сотиб бойлик орттиришни, ор-номусидан воз кечиб танфурушлик қилишни кўзламаган бўларди. Моддий сабаблар (*етишмовчиликлар*) ҳамиша ва ҳар жойда бўлган. Бундан кейин ҳам бўлиши табиий. Бу синовли дунёнинг асосий қонунияти. Инсоннинг инсонлик номига нақадар муносиблиги айти шу лаҳзаларда билинади. Инсон аслида нимаси билан инсон? Инсон нимани йўқотса, инсонлик моҳиятига путур етади? Одам учун охири нафа-

сида ҳам сақлаши зарур бўлган омил нима ўзи? Ҳазрат Навоий бу саволга куйидаги байт билан жавоб берадилар:

*«Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,  
Билки, нишона анга имон эрур»*

Инсоннинг ўзлиги, қалби, тийнати моҳиятини ўрганувчи олимлар имон таркибида ҳадиси шарифда таъкидланган етмишдан ортиқ инсоний фазилатлар борлигининг илмий исботини топишган. Ҳаё-ибо, ор-номус, виждон, адолат, тўғрилиқ, масъулият, мурувват ва шафқат каби ардоқли жиҳатларнинг барчаси имон қўрғонида саломат бўлади. Қўрғон бўлмаса, уларни ҳар қандай шамол созуриб кетавериши мумкин. Қалб бўшаб қолса, уни ҳар қандай разиллик осонгина эгаллаб олиши ҳеч гап эмас.

Бир киши иш излаётганини эълон берибди. Мазнуни – аёлларнинг қўнглини овлаш билан пул ишламоқчи. Бундай қилишига «асос бўладиган» баҳонаи сабаби ҳам тайёр: касал онасига дори-дармон олмақчи эмиш. Даъвои қаранг: қийин аҳволда қолган одам кўча супуради, юк ташийди, ҳожатхона тозалайди, қисқаси – пешона тери тўкиб ҳалол меҳнат билан пул топади. Бу кимса маишат қилиб, аёллардан пул ундирмоқчи бўляпти. Агар тоза табиатли, тўғри одам бўлса, юзининг юз қат терисини сибириб ташлаб, тиланчилик қилишни шу ишдан аълороқ билган бўларди. Йўк, бу кимса ундай қилмоқчи эмас. Балки унинг онаси (*агар бўлса,*) хаста ҳам эмасдир. Хасталикни сабаб қилиб, маишатни ўзига касб қилиб олгани шундай бўртиб турибди.

Аслини суриштирсангиз, бундай кимсаларнинг яқинлари эмас, қалби хаста. Лекин буни ўзлари сезишмайди. Ҳар бир ислохотни ўзимиздан бошлашимиз бу – уст-бошимизни янгилаш, кийимга оро бериш, афт-ангоримизни бўяб-бежаш билан эмас, биринчи навбатда қалбни тозалаш билан юзага келиши минг-минг йиллик ўзгармас ҳақиқат. Агар шу йўлдан борилса, барча муаммолар бирин-кетин ҳал бўла бошлайди. Акс ҳолда, катта шиорлар, баланспарвоз гаплар жиддий ижобий ўзгаришлар яшаш учун кифоя қилмайди. Узоқни кўзлаб тузилган режалар, улкан ва эзгу мақсадлар, адолат билан ишлаб чиқилган қонунлар фақат қоғоз юзини безашга хизмат қилиши мумкин.

Соҳибназар ТУРДИАЛИЕВ

«Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида давлат тили софлигини сақлаш, унга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

## ТИЛГА ЭЪТИБОР



Вазирликда хужжат алмашинув ишлари тўлиқ давлат тилида олиб борилаётган. Унга қарашли барча ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфий ташкилотларнинг пешлавларлари, бинонинг ички ва ташқи ёзувлари тўлиқ лотин алифбосида бўлиши, ижтимоий тармоқлардаги барча саҳифалар, интернет сайтларида ҳам давлат тилидаги қонун ҳужжатларига амал қилиниши таъминланмоқда.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги кўпгина халқаро ташкилотлар, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Ташқи миграция агентликлари билан бевосита ҳамкорликда фаолият кўрсатиши боис бу йўналишлардаги ишлар халқаро меъёрларда белгиланган

тартиб асосида олиб борилиши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида вазирлик марказий аппарати ходимлари Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузурида ташкил этилган Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказининг малакали мутахассислари томонидан билим ва кўникмаларини оширилди.

Гуллола ИСАКОВА,  
Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазирининг  
маслаҳатчиси

## ЭШИТДИНГИЗМИ?

### Асака заводи фаолиятини вақтинча тўхтатади

UzAuto Motors расман BIQ4 (build in quality) сифат стандартлари сертификатини қўлга киритди. Келгуси яқин йилларда GM тизимидаги энг юқори BIQ NEXT сифат даражасини олиш мақсад қилиб олинган.

Компания матбуот хизмати хабарига кўра, сифат стандартларига бўлган талабнинг ошиши барча Chevrolet моделларига бевосита таъсир қилади. Шу сабабли ишлаб чиқаришда барча зарур модернизация жараёнларини амалга ошириш мақсадида 2021 йил январ ойида Асака заводи фаолиятини вақтинча тўхтатиш режалаштирилган.

## ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛГАН ҚЎНҒИРОҚ

Таҳририятдан қайтаётганимда ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Бекатда бироз турганимдан сўнг, автобус келди. Қуёшнинг хорғингина нурларини ҳам тўсиб олаётган қора булутларнинг хўмрайишидан кўрққан одамлар автобусга шошиб чиқишди. Ёмғир ҳам одамлар тезроқ панага кириб олишини кутиб тургандек, ҳаял ўтмай шаррос қуя бошлади. Ҳамма ўз юмуши, ўз ташвиши билан банд, бир-бирига бутунлай лоқайд эди.

Ёнимдаги ўриндикда ўтирган аёл ҳам автобус ойнасига тикилганча, чуқур ўйга толган. Ҳатто, одамларнинг шовқинини, гап-сўзларини ҳам эшитмаётгандек эди... Анча вақт ўтганидан сўнг нигоҳини автобус ойнасидан узиб менга бефарқ тикилди.

– Ассалому алайкум, – дедим бироз ўнғайсизланиб.

– Ва алайкум ассалом... – парижон аёл бирдан чўчиб тушгандек алик олди. Бироз сўхбатдан сўнг:

– Хола, нималарни ўйлаб кел-яписиз? – дея сўрадим.

Аваллига саволимга эътибор қаратмади ва бироз ўтиб:

– Эҳ, қизим, ёмғирни ўйлапман, – дея узоқ хўрсиниш билан гапини қисқа қилди.

– Ёмғир сизни нима учун бунча ташвишлантиряпти?

У аёл ғамгин кўзлари билан менга кулимсираб боқиб:

– Ҳозир фарзандларим мактабда. Соябони йўқ эди. Ёмғирда юриб шамоллаб қолмасидан уйга тезроқ бориб, соябонини мактабга олиб чиқиб беришим керак.

Бирдан шунча сершовқин автобус ичида, юрагимнинг «дук-дук» овози ўзимга эшитилгандек бўлди. Мен онамга хавотир олмаслигини, деярли уйга етиб келганимни кўнғироқ қилиб айтиб қўйиш мақсадида сумкамдан телефонимни олдим. Телефонни ёққанимда экранни кўриб, томоғимга нимадир тикилгандай бўлди. Қўлим қалтираб, кўз олдим хиралашди.

«ОНАМ»дан 25 та «Ўтказиб юборилган кўнғироқ...»

Мадина ЭРҒАШЕВА,  
ЎзЖОКУ 1-курс талабаси

# ФИРИБ ДОМИГА ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН ТУШАЁТГАНЛАР

«Худ нега камбагални туянинг устида ҳам ит қопмоқда?»

Оммавий ахборот воситаларида ички ишлар вазирининг ўринбосари Рустам Хатамовдан бундай мазмундаги хабар тарқалди: **Ўзбекистонда 2020 йилнинг 10 ойи давомида фирибгарлик йўли билан 33 мингдан ошиқ фуқародан 179,7 млрд сўм ва 11,8 млн АҚШ доллари қўлга киритилгани аниқланган. Мазкур ҳолатлар бўйича 66 нафар шахсга 24 та жиноят иши очилган.**

Сўнгги йилларда фирибгарлик жиноятлари, айниқса қонуний фаолиятини йўлга қўйиб, одамлардан гўё «қонуний асосда» миллиардлаб пул йиғиб, сўнг уни осонгина «ҳазм қилиб» юбораётган турли ташкилоту фирмалар сони кўпайгани рост. Хўш, бунинг сабаби нимада? Нега одамлар мўмайгина маблағини ўзлари қўш қўллаб ўша фирибгарлар қўлга топширмақда. Фирибгарлар токи миллиардлаб маблағларни йиғиб олгунига қадар нега ҳеч кимнинг, ҳеч бир масъул органнинг эътиборига тушмаяпти?

Очигини айтилик, ҳар бир юртдошимиз автомобиль сотиб олиш, чет элда ишга жойлашиш ё шуларга ўхшаган бошқа «хизматлар» учун қайсидир фирмага пул бериб, ололмайд юрган камид битта одамни биллади.

«Туяқуш бизнеси» бунга яққол мисол бўлади. Унинг тафсилотлари билан ҳамма яхши таниш бўлгани учун биргина маълумот билан чекланамиз: «Youmoney» нашри сўнгги йилларда молиявий фирибгарлик турларининг TOP-10 рейтингидан «туяқуш бизнеси» ҳам ўрин олганини эълон қилди.

Энди масаланинг бошқа жиҳатига тўхталсак. Яхши яшашга интилиш, орзу-ҳавас ҳар бир инсонга хос бўлган табиий фитратдир. Фирибгарнинг қопқонига тушганлар ҳаёти фаровон бўлиб кетганидан эмас, балки қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида ихтиёрий-мажбурий тарзда ўзини хонавайрон қилаётганига ҳам эътибор қаратиш керак.

Субъектив сабаблар, айтганимиздек, табиий – ҳар қандай инсон яхши яшагиси келади, шунга яраша ният ва ҳаракат қилади. Бу ўз-ўзини сақлаш ва наслни давом эттириш инстинктининг бир белгиси. Орзу-ҳавас учун одамни айблаб бўлмайди.

Объектив сабаблар ўйлантиради. **Одамларни чет элга бориб, гурбатда ҳаёт кечирishiга нима мажбур қилапти? Автомобиль сотиб олиб, жуда бўлмаганда қирақашлик билан рўзғор тебратиш фикри қаердан келиб чиқяпти? Қарз ҳавола қилиб, туяқуш туҳумини сотиб олиб, кейин қуйиб қолаётганлар ўз ихтиёри билан ўзини фириб домига ташлаяптими?**

Фирибгарлик шундай айёрларнинг маккорона найрангики, уларнинг домига тушмаганлар ўзини бундай балодан мутлақо беҳавф санайди. «Бундайлар менинг совунимга кир ювмаган, менга учраса, чув тушира олмайд», деган хотиржам ўйда бўлади. Аслида эса фирибдан ҳеч ким кафолатланмаган. Ишонувчанлик, осон бойлик орттиришга

берилганлик баробарида билимсизлик, укувсизлик, эътиборсизлик, ўзига ҳаддан ортик ишонч каби камчилик ва хислатлар ҳам баъзан панд беради.

Юқорида келтирганимиз «Туяқуш бизнеси» одамларни шундай осонгина шартларда тадбиркорлик қилиш ғоясига ишонтирдики, кўпчиликда бир йил ўтмай қаттагина даромадли бўлишига ҳеч қандай шубҳа қолмади. Ҳатто оладиган фойдасини қаерларга ишлатиш ҳақида режа туза бошлади. Қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, бу лойиҳага маблағ тикишни бошлаб юборди.

Энди бунга бошқа томондан қарайлик. Бу-ку фирибгарнинг тузоғи экан, аммо тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаши зарур бўлган тижорат банкларимиз нега ана шундай ишонарли (*фирибгарлик эмас, ҳақиқатда натижа берадиган*) лойиҳаларни аҳолига тақдим этмайди? Кўриниб турибдики, агар одамлар учун қулай шартлар тақдим этилса, улар бошланғич маблағни ҳам, журъату интилишни ҳам топар экан. Афсуски, тадбиркорлик қилмоқчи бўлган яхши ниятдаги инсонларнинг мақсадидан тижорат банкларимиз эмас, айрим фирибгарлар устомонлик билан фойдаланмоқда.

Мисол учун, бир аҳил қишлоқнинг пароканда бўлгани ҳақидаги ибратли ҳикояни олайлик. Бу қишлоқда ҳеч ким пул ишлатмайди. Иқтисодий муносабатларда натурал алмашув жорий қилинган бўлиб, ҳамма бир-бирдан рози бўлиб яшайди. Нима бўладию, кунлардан бир кун шу қишлоққа бир фирибгар келади. У одамларга тилло тангаларни кўрсатиб, унинг нималарга кодир эканини сўзлаб беради ва энг обрўли ўн кишига 10 тиллодан бериб, келаси йили 11 тиллодан қайтариб олишга келишади. Умуман тилло кўрмаган қишлоқда товар-пул муносабатлари қарор топа бошлайди. Бир йилдан кейин ҳалиги фирибгар пулини қайтаришни сўрайди. Лекин одамларда у берган тиллолардан бошқа тилло йўқ, 10 фоизни улар қаердан олади? Шунда фирибгар

«бағрикенглик» қилади: яна шунча «ставка» билан кредит муддатини узайтиради.

Хуллас, бир неча йилдан кейин бутун қишлоқ ундан қарздор бўлиб қолади ва одамлар аста-секин мол-мулки-



**Фирибгарлик шундай айёрларнинг маккорона найрангики, уларнинг домига тушмаганлар ўзини бундай балодан мутлақо беҳавф санайди. «Бундайлар менинг совунимга кир ювмаган, менга учраса, чув тушира олмайд», деган хотиржам ўйда бўлади. Аслида эса фирибдан ҳеч ким кафолатланмаган.**

дан ажрай бошлайди. Шу тарика битта фирибгар ўтирган жойида обод ва фаровон қишлоқни харобу хонавайрон қилади.

Кўриняптики, фириб қутилмаган томондан чув туширади. Алданаётган одам ўз маблағи ё мулкни қўш қўллаб топшираётганини сезмай ҳам қолади. Ҳатто мамнун бўлади.

Энг ачинарлиси, суриштириб кўрилса, ўша фирибгарлар тузоғига илинаётганлар бойлиги ошиб-тошиб кетганлар эмас. Уларнинг аксарияти қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, фарзандини хорижга ишга жўнатишни, бор-будини тикиб бирор бизнес бошлашни ёки ҳеч бўлмаса йиғиб-терганини бошланғич бадал сифатида тўлаб бирор улов сотиб олиб, тирикчилик қилишни ният қилган, амал-тақал қилиб кун ўтказётган камбағал инсонлар эканига шубҳа йўқ.

Тўғри гапнинг тўғмоғи, деган гапни ҳаммамиз эшитганмиз. Лекин эгри гапнинг тўқмоғини эшитсак ҳам хулоса чиқармаймиз. Одамлар қиска вақтда бирни икки қилиб беришнинг имкони йўқлигини қалбан ҳис қилади-да, барибир аллақандай мавҳум мўъжизага ишонади.

Оқибатда қуйиб қолаверади.

Тўғри, фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш баъзида осон бўл-

майди. Идора жуда чиройли расмийлаштирилади, ходимлар ғоят хушмуомала бўлади, ваъдалар осмонга сапчийди. Лекин буларнинг ҳаммаси пулни олгунча. Кейин идоранинг эшиги мудом кулф бўлади, телефонларга ҳеч ким жавоб бермай қўяди. Нари борса, пулингизни фоизма-фоиз пластик картангизга ўтказишга ваъда берилади, шу билан тамом.

Хориж тажрибасида «бир кунлик фирма» деган агама бор. Яхшигина пул эвазига содда бир одамнинг паспорти вақтинча олиб турилади-да, унинг номидан фирма очилиб, вақт кўтарганча ёки сир фош бўлганча найранг қилинади. Кейин фирибгарлар ғойиб бўлади-да, ўзи базўр кун кечириб юрган паспорт эгаси жавобгар бўлиб қолаверади. Ундан пулни ким ҳам ундириб оларди...

Бинобарин, бизнес қилишга пул тикиб, ўзининг тадбиркорлигини бошлаш ниятида бўлган одамларни кўпроқ фирибгарлар ўз тузоғига илинтиряптими, демак, тижорат банкларнинг кредит ажратиш, бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятида муайян камчиликлар бор. Банклар одамларни ишонтира олмаётган, тадбиркорлик қилишдек эзгу истагини қўллаб-қувватлашда сустқашлик қилаётгандирки, улар банкларга эмас, қайси бир мавҳум фирмалар кўмагига ишониб қолмоқда.

Худди шундай ҳолатни хорижга ишга жўнатишда тегишли вазирлик ва агентликлар, ўзимизнинг автомашиналар савдо-сида сунъий навбатларни ҳосил қилаётган монополь корхоналар мисолида ҳам бемалол қайд этиш мумкин.

Бугун ишбилармонликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес равнақиға йўл очиш борасида кўплаб ташаббуслар илгари сурилмоқда. Лекин масъул идоралар бу ташаббуслар ҳаётда ўз инъикосини топиши учун етарли даражада жон куйдирмаётгани учун ҳам халқнинг ана шу эҳтиёжлари фирибгарлар учун тайёр «гўшт»га айланыпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги қарори билан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Юқорида айтганимиздек, бор-будини қай бир фирибгарга қўш-қўллаб бериб юборишга, қайсидир маънода мажбур бўлаётган камбағал қатлам тақдири ҳам бу вазирлик фаолияти реал ҳаётимизда қанчалар акс эта олаётгани тўғрисида тасаввур беради. Балки шунинг учун ҳам айримлар ҳатто бундай вазирлик тузилганидан ханузгача беҳабардир. Ишбилармонларнинг бошини қовуштириши керак бўлгани Савдо-саноат палатаси фаолияти ҳам яққол кўринаётгани йўқ.

Мухтасар айтганда, масъул идоралар одамлар ҳар турли таваккалчиликка фаровон ҳаёт туфайли қўл урмаётганидан қанча тез хулоса чиқариб, қанча тез вазиятни ўнгласа, фирибгарлик шунча тез енгиледи. Бу биргина давлат раҳбарининг саяё-ҳаракатлари билан битадиган иш эмас.

Яна бир гап. Юқорида ички ишлар вазирининг ўринбосари айтган рақамлар билан, эътибор берган бўлсангиз, фош этилган жиноятлар сони ҳақида сўз бормоқда холос. Бу эса фош этилмагани қолмади, дегани эмас, албатта.

Хорижий ижтимоий роликлардан бирида қўл бўйида оккушларнинг қанотларидан патларни қирқаётган одам тасвирланади. Бир киши келиб, нега қирқаётганини сўраганда, «учиб кетмасликларни учун», дейди. Ҳалиги киши «ундан кўра яхшироқ боксанг бўларди», деб жавоб қайтаради. Хулоса ўзингиздан.

Мадина МАШРАБХОН



UZTELECOM

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

# ЖИЗЗАХ ФИШИАЛИ ЖАМОАСИ

Кўп миллатли Ўзбекистон аҳлини  
яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан  
самимий муборакбод этади!

**КИРИБ КЕЛАЁТГАН 2021 йил янги Ўзбекистон  
тараққиёти босқичида муҳим қадам бўлсин.  
Барчага омад ва ютуқлар, янги-янги  
зафарлар олиб келсин!**

Юртимиздаги ҳар бир  
хонадонга Янги йил  
айёмининг қувонч ва  
шодликлари шукуҳи кириб  
борсин!



**Байрамингиз қутлуғ бўлсин!**



**UZTELECOM**  
**«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»**  
**АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**  
**Фарғона филиали жамоаси**



**Барча юртдошларимизни  
яқинлашиб келаётган  
2021 йил – Янги йил  
шодиёналари билан  
самимий қутлайди!**

**Ватанимиз тараққиёти йўлида Фидокорона  
меҳнат қилаётган бунёдкор халқимизнинг  
кириб келаётган янги йилдан умидлари катта.**

**2021 йил муваффақиятлар,  
омад ва зафарларга бой  
бўлсин, ҳар бир хонадонни  
тинчлик ва қут-барака,  
қувончу шодлик  
тарқ этмасин!**



**Янги йил байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**

Бугунги Навоий вилояти:

# САНОАТДАН — ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГАЧА

Бепоев Қизилқум бағрида жойлашган, буюк мутафаккир номини олган Навоий — Ўзбекистоннинг нисбатан ёш ҳудудларидан. Бир вақтлар асосан саноат ишлаб чиқаришига ихтисослашган ушбу вилоят бугун Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнининг муҳим бўғинига айланган. Хизмат кўрсатиш ва туризм, кичик бизнес соҳалари изчиллик билан ривожланмоқда. Ишга тушаётган янги корхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, энг муҳими, вилоят аҳолисини рози қилиш йўлидаги ишлар намуна қилиб кўрсатишга арзигулик.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, унинг Навоий вилоят бўлими ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида вилоятда ташкил этилган «Журналист ва ҳаёт» деб номланган пресс-тур давомида бунга амин бўлди, вилоят ҳаётидаги ўзгаришларни бевосита кузатдик. Пресс-тур иштирокчилари, республика марказий матбуот нашрлари бош муҳаррирлари ва журналистлари вакиллари иборат ижодий гуруҳ Навоий вилоятида, Қизилқум кенгликларидан амалга оширилаётган, миллий мустақиллик имкониятларидан қувват олаётган бунёдкорликлар билан бевосита танишди.

Дастлабки манзилимиз Навоий шаҳридаги «Вахт-Textile» масъулияти чекланган жамияти бўлди. Мазкур корхона 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда вилоятдаги пахтачилик бўйича йирик кластер субъекти ҳисобланади. 1300 нафардан зиёд ишчи-ҳодим фаолият олиб бораётган корхонада Швейцария давлатидан илғор етакчи энгил саноат дастгоҳлари ишлаб чиқарувчи «RIETER» компаниясидан ип-йигирув дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, 2019 йилда жамиятнинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 27 минг тоннага етказилди. Корхона Навоий вилоятида етиштирилаётган пахта толасининг 70 фоизини қайта ишлаб, ярим тайёр ҳамда тайёр маҳсулот кўринишига олиб келмоқда.

Бу ерда асосан ёшлар ва хотин-қизлар иш билан таъминланган. Пресс-тур иштирокчилари ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш билан бирга, корхона ишчи-ҳодимлари билан яратилган шароитлар ҳақида суҳбатлашди.

Бу ердаги шарт-шароитлардан ташқари ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси, маоши ҳақидаги саволлар барча журналистлар учун кизиқ эди. Бизни иш жараёни билан таништирган механик йигит ишчиларнинг ойлигини 1 млн. сўмдан 2 ярим миллионгача эканлигини айтиб ўтди. Исмини айтишни хоҳламаган шовкинли ва дим шароитда ишлаётган аёлнинг 950 минг маош олиши, «ойлигимиз кўтарилса қани эди» деган нолиши эмас, истиҳола билан айтилган таклифи аранг эшитилди.

— Бизнингча, саккиз соатлик ҳаддан ортиқ иссиқ ва шовкинли шароитда ишлайдиган ишчиларга ҳатто 2 миллион ҳам камдек. Очиги, замонавий технологиялар, станокни компью-

терда бошқараётган ишчилар — барча-барчаси бугунги Ўзбекистон имижига мос, кўрган кўзни қувнатади. Аҳолининг иш билан таъминланганлиги, шукр қилаётгани ҳам бор гап, фақатгина битта лекин — янги Ўзбекистоннинг янги имижига эски стандартдаги озгина маош — бир миллионга етар-етмас ойлик тўғри келмайди, — дейди пресс-турда иштирок этган «Хабар.uz» журналисти Барно Султонова.

Ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи заминда билимдон авлодни тарбиялашга жиддий эътибор берилмаса мантиққа ҳам, мақсадга ҳам мос келмайди. Вилоят халқ таълими тизимида 365 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларнинг 12 таси давлат ихтисослашти-



рилган мактаблари, 5 таси давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари ва 3 таси махсус мактаб-интернатлардир. 2019-2020 ўқув йилида навоийлик 13 044 нафар 11-синф битирувчиларидан 125 нафари олтин ва 25 нафари кумуш медаллар билан умумтаълим мактабларини тугаллади. Уларнинг 3 881 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди. Халқ таълими вазирлиги эълон қилган натижалар бўйича Давлат тест маркази таҳлиллари асосида олий ўқув юрғларига кириш кўрсаткичларига кўра Навоий вилояти республикада иккинчи, Навоий шаҳри эса биринчи ўринни эгаллаган.

Мана шундай юқори кўрсаткичларга ҳамоҳанг равишда яқинда Навоий шаҳрида Навоий-Қорақўл ихтисослаштирилган мактаби ўз фаолиятини бошлади. Мактаб математика, физика ва инглиз тили фанларига ихтисослаштирилган бўлиб, 360 ўринга мўлжалланган. Таълим муассасаси 2,8 миллиард

сўмга мукамал таъмирланиб 1,7 миллиард сўм маблағ эвазига замонавий моддий-техника базаси билан тўлиқ жиҳозланди. Жорий ўқув йили аввалида иш бошлаган мактаб-интернатига ўқувчилар саралаб олинди.

— Бу мактабда ўқувчиларнинг ўзлаштирилмаслиги уят ҳисобланади. Ҳамма бир-биридан қолиб кетмаслик учун ҳаракат қилади, — дейди мактаб интернат директори Нурилла Яхёев. — Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш кўрсаткичи мониторинг қилиниб, индивидуал ишланади. Кўп йиллик тажрибамаизга асосланиб шуни бемалол айтишим мумкинки, бу услуб албатта ўз самарасини беради.

Қорақўл мактабига ўқитувчилар танлаб олинишининг ўзи бир ютуқ. Танлаб олинган

ўқитувчиларнинг орасида сараланган ўқитувчининг бўлиши эса хазина. Зафар Жумаев Грецияда фан олимпиадасида бронза медални қўлга киритган эди бир пайтлар. Айни пайтда Зафаржон сабоқ беришини истайдиганларнинг кўплиги боис унинг дарс соатлари ҳам бошқаларникидан кўпроқ. Ва меҳнатига яраша ҳақ олади. Айтиб ўтиш керакки, бу мактабда ўқувчилар ўқитувчининг дарсидан қониқмаса, бемалол бошқа устозни танлай олиш ҳуқуқига ҳам эгалар.

— Таълим жараёни билан танишар эканмиз, вилоятда таълим соҳасини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар бизни қувонтирди, — дейди таниқли шоира Зулфия Мўминова. — Энг муҳими, олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу албатта, Алишер Навоий бобомиз номи билан аталувчи вилоятда залворли номга муносиб авлодлар тарбияланаётганидан дарак беради.



*«Очиги замонавий технологиялар, станокни компьютерда бошқараётган ишчилар — барча-барчаси бугунги Ўзбекистон имижига мос, кўрган кўзни қувнатади. Аҳолининг иш билан таъминланганлиги, шукр қилаётгани ҳам бор гап, фақатгина битта лекин — янги Ўзбекистоннинг янги имижига эски стандартдаги озгина маош — бир миллионга етар-етмас ойлик тўғри келмайди...»*

Пресс-тур иштирокчилари Навоий шаҳрида қад ростлаб, мустақиллигимизнинг 29 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мегаўприкни ҳам кўздан кечиришди.

Шу кунги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Навоий шаҳридаги «Тинчлик плаза» меҳмонхонасида медиатур доирасида «Замонавий профессионал журналистикани ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

— Етук журналистларни тайёрлаш, уларнинг билим ва маҳоратини ошириш учун кенг қўламли ишларни амалга ошириш лозим, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов. — Бунда албатта «Устоз-шогирд» анъанасини ривожлантириш, соҳа учун кадрлар етказиб берувчи олий ўқув юрғларида таълим олаётган йигит-қизларни амалиётга кўпроқ жалб этиш, ёш журналистларимизни муносиб рағбатлантириб бориш муҳимдир.

Тадбирда бир гуруҳ навоийлик фаол журналистларга Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Медиатурнинг иккинчи кунда иштирокчилар дастлаб Ҳозғон шаҳрига ташриф буюрди. Улар ҳудуддаги энг йирик корхона — «Мармаробод» кластер корхонасининг фаолияти билан яқиндан танишиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва жараёнларини кўздан кечирди.

Президентимиз ташаббуси билан фаолиятини бошлаган мазкур кластернинг умумий қиймати 52 миллион доллар бўлиб, 14 та лойиҳа амалиётга тадбиқ этилади. Натижада конлардаги ишчилар билан бирга 850 та янги иш ўринлари яратилади.

Ўтган қисқа давр ичида корхона ҳудудидаги майдони 11 минг кв.м. бўлган асосий бино ва яна 10 та кичик лойиҳа бинолари қурилиши якунланди. Банкнинг 4 миллион долларлик имтиёзли маблағлари ҳисобига Хитой давлатидан замонавий ускуналар келтирилди. Шунингдек, Хитойдан 4 нафар малакали инженер-мутахассислар жалб қилиниб, улар томонидан янги ускуналар монтаж қилинди ҳамда маҳаллий ёшлар ускуналарда ишлашга ўргатилди.

Корхона раҳбари Маҳмуд Шарофатовнинг таъкидлашича, йилига 70 минг куб тош қазиб олиш ва 1,2 миллион метр квадрат тошни қайта ишлаш қувватига эга корхона томонидан янги ускуналарда замонавий усулларда Пашшот, Парғат қарьерларидан гранит тошларни қазиб ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда корхонада 400 нафар маҳаллий ёшлар уч сменада иш олиб бормоқда.

— Ҳозғон ҳудудидан қазиб олинаётган мармар тошлар шухрати бутун дунёга машҳур, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, журналист Норқобил Жалил. — Ҳозғон мармаридан пойтахтимиздаги қатор метро бекатларини безатишда, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз шаҳарларидаги бино ва макбараларда, шунингдек, Ҳиндистондаги Тожмахал ансамблида, Москвадаги бир қанча музейлар, Вьетнамдаги Хо Ши Мин мавзолейида фойдаланилганлигини яхши биламиз. Бугун эса айнан ўша машҳур тошларга сайқал бериш жараёнлари билан танишдик.

Навоий вилоятининг бугунги ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни бир мақолага сифдириш қийин. Пресс-турдан олинган таассуротлар навбатдаги мақолалар учун кўп мавзу бўлади ҳали.

# ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН ҲУҚУВЧИЛАР

*Эртага жамиятнинг мустақкам таянчи бўлишга қодир*

«...Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлод Конституциянинг маъно-мазмунини, у истиқлол йилларида эришилган улкан тарихий ютуқ эканлигини англаб етсин. Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустақкам бир ҳимоя эканлигини ҳис этиб турсин».

Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаган бу сўзлар нафақат таълим-тарбия жараёнининг, балки жамиятимизда демократик янгилаш босқичларининг ажралмас қисмига айланмоқда. Зеро, таълим даргоҳлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда Бош қомусимизни ўқиш-ўрганиш, тарғиб қилиш – муттасил давом этадиган жараён.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 156-мактабда ташкил этилган навбатдаги кизиқарли учрашувда ана шулар ҳақида батафсил сўз юритилди. Таниқли педагоглар, ҳуқуқшунослар, шунингдек, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда туман халқ таълими бўлимининг ижтимоий фанлар бўйича методисти О.Нуриддинов, 156-мактаб директори М.Ҳамдамова, ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Б.Арасланов, маънавий марифий ишлари бўйича директор ўринбосари Ф. Берекеева, тарих фани ўқитувчиси Х. Сойибжонова ва бошқалар Конституциямизнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ғоя-

вий-тарбиявий аҳамияти бекиёс эканлигини қайд этдилар.

Бош қомусимиз ёшларда Ватанга садоқат, мардлик, ўзаро дўстлик, биродарлик туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Асосий қонунимизда халқимизнинг неча минг йиллик миллий анъаналари, урф-одатлари, умум эътироф этилган халқаро тамойиллар ўз инъикосини топган. Унда жамиятнинг барча қатламлари сингари вояга етмаганларнинг ҳам барча турдаги – шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва бурчлари кафолатланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари ва субъектлари, ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш масалалари камраб олинган. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда бола ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳокимият ва бошқарув органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича

ваколатлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари ва соҳага доир бошқа ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинган.

Ёш авлодни ҳар томонлама асраб-авайлаш, билимли қилиб тарбиялаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш давлатимиз олдида қўйган юксак вазифалардан бири ҳисобланади. Шахснинг билим олишга бўлган ҳуқуқи Конституциямиз асосида қабул қилинган бир қатор қонунларда, жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонунда ҳам мустақкамлаб қўйилган. Ёшлар ўз салоҳиятидан эркин фойдаланишга, ўз иқтидор ва истеъдодларини тўла намоён этишга ҳақлидирлар.

Ўз навбатида ёшлар ҳам Конституциямизда мустақкамлаб қўйилган бурч ва мажбуриятларини бажаришлари лозим. Унга кўра, ёшлар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга (48-модда), шунингдек, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб авайлашга мажбурдирлар (49-моддаси). Шунингдек, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари шарт.

Ушбу муқаддас тушунчаларни уларнинг онгига етказиш мақсадида мамлакатимиз давлат таълим стандартларига мувофиқ, таълимнинг барча босқичла-

рида ўқувчи ва талаба ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бўйича дарс машғулотлари ўқитилади. Бу, аввало, мактабгача таълим муассасасида бошланиб, тарбияланувчиларга Конституциямиз ҳақида илк тушунчалар ўргатилади. Умумий ўрта таълим мактабларида эса 1-4-синфларда «Конституция алифбоси» курси ўқитилади.

Мактабимизнинг юқори синфлар машғулотларида ўқитувчи мавзудан келиб чиқиб, дарсларни ёшлар ҳаёти, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида очик дарс тарзида, суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ҳуқуқшунослар билан учрашувлар шаклида, шунингдек, ўқувчилар ўртасида интеллектуал ўйинлар, кўрик-танловлар уюштириш орқали ташкил этади. Мактабимизда айна услублардан самарали фойдаланиб, ўқувчиларга Конституция ва қонунларни пухта ўргатаётган ўқитувчилар кўп. Бундай саъй-ҳаракатлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг мамлакатимиз қонунчилигига доир билимини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни Конституциямиз ва қонунларимизда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаб етган жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялашга хизмат қилади.

**Изаура СЕИБУЛЛАЕВА,**  
давлат ва ҳуқуқ фани ўқитувчиси

## ФАРЗАНДИНГИЗ ҚАЙСИ КАСБНИ ТАНЛАШИНИ КИМ БЕЛГИЛАЙДИ?

*Унинг ўзими, сизми ёки устози?*

Жамиятнинг эртанги куни шубҳасиз фарзандларимиз улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб бориши, қайси касбни танлашига боғлиқдир. Ҳар бир инсон шундай касб танлаши керакки, унинг бажарадиган иши аввало ўзида қониқиб ҳосил қилсин ва жамиятга фойда келтирсин.

Касб танлаш ҳар бир инсон ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Бу ишга қанчалик эрта киришилса, шунчалик мақсадга мувофиқ бўлади. Биз фарзандларимизнинг қайси соҳага кизиқишини аниқлашимиз учун ёшлигиданок эътиборли бўлишимиз керак. Ваҳоланки, бу ишни шошилмасдан, пухта ўйлаб амалга ошириш керак бўлади. Болага касб танлашда ёрдам бериш керак, лекин зинҳор унинг учун танлаш, «фалон касб эгаси бўласан» деб уни мажбурлаш мумкин эмас.

Айрим ота-оналар бир қатор касблар тўғрисида нотўғри тасаввурда бўладилар. Бунинг натижасида фарзандлари танлаган касби ўрнига бошқа касбни танлашга мажбурлайдилар. Ваҳоланки, ҳар қандай

фаолият соҳасида муваффақиятга эришиш, инсоннинг ўзи танлаган соҳасига кизиқишидан келиб чиқади. Кўпчилик болаликда орзу қилганига, йиллар ўтиб эришганига гувоҳ бўлганмиз. Биз фарзандларимизнинг ўзи орзу қилган касбига эришиб, ўша касбда юксак натижаларга эришишини таъминлашимиз учун оила, боғча, мактаб, маҳалла ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Таянч ўрта таълим доирасида таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмалар шакллантирилади. Ҳар бир ўқувчи тўғри касб танлаши, келажакда ўзи танлаган касбининг кийинчиликларига қоқилиб, пушаймон бўлмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам барча



касбларнинг оғир ёки энгиллиги, уни эгаллаш жараёнида учраши мумкин бўлган муаммолар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим. Ҳар бир ўқувчи ўзи танлаётган касби бўйича кийинчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлгандан сўнг, уни қандай қилиб энгиб ўтиш йўлларини излаб топиши керак бўлади.

Инсон шундай яралганки, кийинчиликларни энгиб, ўзини қийнашдан кўра, бошқа осонроқ йўл излашга ҳаракат қилади. Бундан келиб чиқадики, ҳар қандай кийинчиликка ҳамма ҳам бардош бера олмайди. Агар бундай кийинчиликларни энга олмаса, яхшиси,

ўзига маъқулроқ бошқа касбни эгаллаши лозим.

Ҳар бир ота-она «нотўғри танланган касб қандай хавф туғдириши мумкин?» деган савол ҳақида жиддий ўйлаб кўриши лозим. Айрим ота-оналар фарзандининг ўзи кизиққан касби ўрнига, ойлик маоши кўпроқ бўлган бошқа касбни эгаллашга мажбурлашади. Баъзан «фарзандим орзу қилиб-қилиб, ўз орзусидаги касбни топа олмайди ёки умуман бошқа жойга тушиб қолди», дея эътироз билдиришади. Агар ҳақиқатдан ҳам, йигитми ёки қизми ўзи танлаган касби кизиқтириб қолган бўлса, яхши. Бўлмаса, ўқув

муассасасида олган мутахассислиги бўйича ҳали ишлаб улгурмаган ёш мутахассисдан бугунги кунда касбини ўзгартиришга тўғри келганини кўп марта эшитганмиз. Касбни алмаштириш бу – яна қаердир ўқишга кириш ва ўрганиш деганидир. Лекин ишлаб, пул топишнинг вақти келди. Ахир ёшлар муносиб ҳаёт учун ўзларини қанчалик эрта тайёрласалар, ота-оналарга ҳам, жамиятга ҳам шунчалик яхши. Айтайлик, ўғлингиз ёки кизингиз сиз танлаган соҳада ўқишни хоҳламапти. Эгаллаётган касби уни шижоатли меҳнатга руҳлантирмапти. Бу ҳақиқатан ҳам муаммо. Лекин нафақат танлаган касбини фаолиятнинг бошланишиданок ёқтирмай қолганларнинг, балки бутун жамоаники ҳамдир.

Мактабнинг ота-оналар билан ўқувчиларни касбга йўналтириш тизимидаги иши энг муҳимидир. Ота-она фарзандларининг ҳаётий касб режаларини белгилашларида фаол иштирок этади. Ҳамма ота-оналар ҳам фарзандлар истак ва хоҳишларини билавермайди. Касбга йўналтириш ўқувчи ёшларни маълум соҳа орқали ўз билим ва кўникмаларини изчил амалга ошириш долзарб муаммолардан биридир.

**Саодат ЭГАМОВА,**  
Шофиркон тумани  
13-мактаб ўқитувчиси

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси



# Самарқанд филиали жамоаси

**Янги йил байрами – кириб келаётган  
2021 йил барчамизга қутлуғ бўлсин!**

*Байрам қувонч ва шодликлари ҳар бир хонадонга  
кириб борсин. Барча ватандошларимиз, алоқа  
соҳасида фаолият юритаётган меҳнат жамоаларини  
Янги йил байрами билан муборакбод этамиз!*

*Унсон манфратлари*

*эъозланаётган*

*юртимиз доимо*

*ғуллаб-ғинасин.*

*Ҳар кунимиз тинч ва*

*осудаликда,*

*шоду хуррамликда ўтсин!*



**Янги йил муборак,  
азиз юртдошлар!**



Хизматлар лицензияланган.

**OILA  
DAVRASIDA**  
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси  
таҳририяти» масъулияти  
чекланган жамияти

**МУАССИСЛАР:**

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

**Бош муҳаррир**

**Ҳуснидин  
БЕРДИЕВ**

**Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1237  
ISSN 2181-6190  
Обуна индекси — 193  
Адади: 1 644 нуска.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00



123456